

Amnesty International

БАЁНОТИ

Индекс: EUR 58/001/2013
2013 йил 11 июнь

Адолат қарор топадими? Қирғизистоннинг 2010 йил июнида рўй берган зўравонликларни ва улар билан боғлиқ кейинги ҳодисаларни текширишга рағбатсизлиги

Уч йил муқаддам 2010 йилнинг июнида Қирғизистон жанубидаги Ўш ва Жалолобод вилоятларидаги этник қирғизлар билан этник ўзбеклар ўртасида содир бўлган тўрт кунлик аёвсиз тўқнашувлар натижасида юзлаб одамлар қурбон бўлди, минглаган инсонлар жароҳатландилар, юз минглаб кишилар эса ўз уйлари ташлаб кетишга мажбур бўлдилар. Жиноятчилик ва инсон ҳуқуқларининг бузилиши, ҳаттоки, инсониятга қарши қилинган жиноят ҳам ҳали-ҳануз эҳтиросга берилмасдан синчиклаб ҳолис текширилмади, оқибатда бу жиноят ва ёвузликлардан жафо чеккан шахсларга нисбатан адолат ўрнатилмади.

Ўтган ҳафтада Amnesty international Қирғизистон Ички ишлар министри ва Бош прокурорига мактуб йўллади. Мактубда мазкур ташкилот амалдаги Ҳукуматнинг 2010 йил июнь ғалаёнлари ва улар билан боғлиқ кейинги ҳодисаларни эҳтиросга берилмасдан совуққонлик билан синчиклаб ҳолис текширмаётганидан ташвишга тушаётганини билдирган ҳамда 2010 йил июнидаги тартибсизликларни текшириш учун махсус бўлинмалар ташкил этишга чақирган. Бундан ташқари, ташкилот 2010 йил июнь фожиалари даврида амалга оширилган деб ҳисобланаётган жиноий ишлар бўйича чиқарилган айблов ҳукмларининг барчасини қайта кўриб чиқишни бошлашни, шунингдек, жиноят қидирув бўлимларида одамларни аёвсиз қийнаш ва уларга ўта шафқатсиз муносабатда бўлиш фактларини текширишни талаб қилган.

Шуни афсус билан айтиш керакки, охириги йилда ўзбекларни ўзбошимчалик билан ҳибсга олиш содир этилаётгани, сийрак бўлса-да, 2010 йил фожиалари ва кейинги ҳодисалар билан боғлиқ жиноят ишларини текшириш жараёнида этник ўзбекларнинг ҳуқуқлари поймол этилаётгани, қийноқлар, уларга шафқатсиз муносабат, қилмаган “жиноятини” зўрлаб бўйнига олдириш, адолатсиз судловлар ва бошқа жиддий қонунбузарликлар ҳақида маълумотлар келиб турибди. 2010 йил июнь фожиалари баҳонасида ўзбекларни ушлаб, жиноий жавобгарликка тортиш ҳолатлари тез-тез учрамоқда.

Amnesty international ташкилоти бир қатор шахсларнинг салкам уч йилдан бери қамоқхоналарда ушлаб турилганлиги, турли суд маҳкамалари эса уларга қарши далилларнинг йўқлиги сабабли уларнинг ишини қайта-қайта терговга жўнатаётганлигидан ташвишланмоқда. Бунга Дилмурод Ҳайдаровнинг иши ёрқин мисол бўла олади. Милиция ходимлари уни 2010 йилнинг 27 июнида Ўш шаҳрида ҳибсга олишган. Маълумотларга қараганда, милиция ходимлари уч кун давомида уни Ўш область Ички ишлар бошқармасида қийнаб, “айби”ни бўйнига қўйишга ҳаракат қилишган. Аммо шу кунгача қўйилган айбловлар ўз тасдиғини топмаган ва унинг айби тасдиқланмаган. Шу билан бирга суд маҳкамалари, ҳаттоки, Олий суд беш марта унинг ишини қайта терговга жўнатган. Шунга қарамай, айблов ишида унинг жиноятга алоқадорлигини исботлайдиган далиллар етарли эмас. Ҳар ҳолда, Дилмурод Ҳайдаров ҳануз вақтинчалик қамоқ изоляторида ушлаб турилибди, агар “жинояти” бўйнига қўйилса, уни умрбод қамоқ жазоси кутиб турибди.

Ҳукумат қийноқлар ҳақида жиддий маълумотлар бўлса-да, уларни вақтида ва ҳолис текшириб чора кўрмапти. Шу кунгача миллати ўзбек бўлган Россия фуқароси

Усмонжон Холмирзаевнинг фожиали ўлими учун ҳеч ким жавобгарликка тортилмади. У 2011 йил 9 августда вафот этди. Маълумотларга кўра, ўлим Бозорқўрғон милиция бўлинмасидаги қийноқлар натижасида юз берган.

Худди аввалгидек, этник ўзбекларнинг қариндош-уруғлари қасос олишларидан кўрқиб, ҳибсга олинган ўзбекларга қилинаётган шафқатсиз муомала ва қийноқлар, кўрқитиш ҳамда дўқ-пўписа билан пул ундириш фактлари ҳақида милиция ва прокуратурага маълумот беришдан бош тортишмоқда. Этник ўзбекларни ҳимоя қилишга уринаётган адвокатлар ҳанузгача тазъийқ ва ҳужумларга, ҳаттоки, суд залларида ҳам дуч келишмоқда. Барча суд маҳкамалари, ҳатто, Олий суд ҳам қийноқлар асосида остида олинган тахминий айблов иқrorларини доимий равишда пухта текширмасдан инобатга олишмоқда. Яқинда (2013 йилнинг 2 апрелида) Бишкекдаги Олий суд биносида ва шу бино яқинида Татьяна Томина ва унинг ҳамкасби Улуғбек Усмоновга тахминан 10 кишидан иборат гуруҳ тажовуз қилган. Олий суд 2010 йил октябрида бир неча этник қирғизларнинг 2010 йил июнь воқеалари кунлари “Санпа” пахта тозалаш заводида ўлдирилишига алоқадор деб қамоқ жазосига ҳукм қилиб, сўнг 2013 йил январидан оқлаган ўзбек миллатига мансуб кишининг ишини кўраётган эди. Ўлдирилганларнинг қариндош-уруғлари ва дўстларидан иборат қирғиз миллатига мансуб оломон адвокатларни ҳақорат қилиб, уларни муштлари билан уриб, тепиб, қўлларидаги ҳужжатларни тортиб олишга ҳаракат қилишди. Адвокатлар оломондан зўрға қочиб қутилишди, суд жараёни эса анча орқага сурилди. Қирғиз ҳукумати адвокатларга, судланувчи этник ўзбекларнинг қариндош-уруғларига тажовуз қилиш ва ҳужум уюштириш фактлари бўйича зудлик билан холис ва ҳаққоний тергов ишларини олиб бориши, адвокатларни, судланувчиларнинг қариндош-уруғлари ва гувоҳларни ҳимоя қилиш ва уларга зиён етказмаслик чора-тадбирларини кўриши зарур.

Amnesty international ҳуқуқ ҳимоячиси, пок виждонининг асири бўлган Азимжон Асқаровнинг қамоқхонада қолиб кетаётганлигидан қаттиқ ташвиш тортмоқда. 2010 йил июнь фожиалари кунлари Азимжон Асқаров Бозорқўрғондаги, асосан, ўзбекларга қаршли вайрон этилган ва таланган уйлар, қотилликлар, ёндирилган бинолар ва бошқа иншоотларни видео ва фото тасмага олиб юрган. Азимжон Асқаровни умрбод қамоқ жазосига маҳкум этган суд халқаро меъёрларни бузган ҳолда иш кўрган ва Amnesty international шунга таъкидлайдики, унга қўйилган айбловлар сохта ва бу Азимжон Асқаровнинг ҳуқуқ ҳимоячиси сифатида қонуний иш олиб боришини чеклаш мақсадида қилингандир. Азимжон Асқаровни зудлик билан озод қилиш керак, чунки бу Қирғиз Республикаси Конституциясининг 31-моддасида, шунингдек, Қирғизистон аъзо бўлган фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактининг 19-моддасида кафолатланган сўз ва фикр эркинлиги ҳуқуқининг бундан кейин Қирғизистонда бузилишига йўл қўймаслик учун далил бўлади.

Қирғизистон ҳукумати 2010 йил июнида Ўш ва Жалолобод шаҳарларида бўлиб ўтган ғалаёнларни уюштириш ва қатнашиш айблови қўйилган этник ўзбекларни экстрадация қилиш ҳақида ўнлаб сўровномалар жўнатди. Қидирилаётганларнинг кўпчилиги Россия, айримлари эса Қозоғистон ва Украинага қочишган. 2012 йилнинг 16 октябрида инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди “Махмуджон Эргашев Россияга қарши” деб ном олган иш юзасидан қарор қабул қилди. Ушбу қарорда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенциясининг 3-моддасига биноан миллати ўзбек бўлган Қирғизистон фуқаросини Қирғизистонга экстрадация қилиш юқоридаги қонунни бузишдир, деб қарор қабул қилди (қийноқ ва шафқатсиз муносабатни таъқиқлаш, шунингдек, одамларни муқаррар равишда ўша таъқиқланган шафқатсиз муомала ва қийноқлар кутаётган ерга жўнатиш ушбу қонунни бузишдир). Бу агар ўзбек миллатига мансуб кишилар Қирғизистонга қайтса, муқаррар дучор бўлиши мумкин бўлган қийноқ ва шафқатсиз муомала хавфига қарши қабул қилинган биринчи қарор бўлди.

Қирғизистон қийнаш ва инсонга шафқатсиз муносабатни таъқиқлашни ва бундай ҳолатлар тасдиқланса, унга қарши, албатта, тўхтовсиз ва самарали текширув ишлари олиб бориш масъулиятини олган бир қатор халқаро келишувлар иштирокчиси ҳисобланади. Жумладан, бу ерда сўз фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактининг 7-моддаси (ФСХП) ҳамда қийнаш ва бошқа инсонийликка зид ёки

инсон қадр-қимматини поймол этадиган муомала ва жазо турларига қарши Конвенция (КПП) ҳақида бормоқда.

Amnesty international Қирғизистон ҳукуматини мамлакатнинг халқаро миқёсдаги куйидаги бурчларини бажаришга чақиради: инсонни қийнаш ва унга шафқатсиз муносабатда бўлиш факлари тасдиқланган ҳолатларни ҳартомонлама, холис текширишни зудлик билан бошлаш ва бу жиноятга дахлдорлиги аниқланган милиция ходимлари тўхтовсиз равишда жиноий жавобгарликка тортилиши шарт ва зарур.

Қисқа маълумотнома

Бир неча ойлар давомида кучайиб келаётган миллатлараро кескинлик 2010 йилнинг 10 июнида Ўш шаҳрида қирғиз ва ўзбек ёшлари гуруҳларининг кўп сонли тўқнашувларига олиб келди. Тўрт кун давомида Ўш ва Жалолобод шаҳарларини ёнғин, талон ва қирғин, шу билан бирга жинсий зўрлаш ва қотилликлар тўлқини қоплаб олди. 400 дан ошиқ одам ўлдирилди, 1900 киши оғир жароҳатланди. Спутникдан олинган хабарларга кўра, биргина Ўш шаҳрининг ўзида 1807 та бино батамом йўқ қилиндики, буларнинг кўпи маҳаллий ўзбекларга тегишлидир. Оғир жиноятлар ҳар икки этник гуруҳ вакиллари томонидан содир этилган бўлса-да, кўпроқ маҳаллий ўзбеклар зарар кўрдилар ва айнан уларнинг орасида ҳаммадан кўп ўлганлар ва яраланганлар бўлди. Бу кўпмарталаб расмий маълумотлар билан тасдиқланган. Шундай бўлса-да, Қирғиз ҳукуматининг бу фактни расман тан олишни истамаётганлиги Amnesty international нинг ҳафсаласини пир қилмоқда.

Махсус тергов бўлинмалари

Amnesty international нинг 2011 йил июнь ва 2012 йил июнь ойларида Қирғиз ҳукуматига қилган асосий тавсияси милиция, бош прокуратура ва суд вакилларида иборат ташкилотлараро махсус бўлинмалар ташкил этиш эди. Бу бўлинмаларининг вазифаси – 2010 йил июнь фожиалари даврида ва ундан кейин содир этилган жиноятлар ва инсон ҳуқуқларининг бузилиши, инсониятга қарши жиноят фактини текширишдан иборат. Бундай бўлинмалар этник ва гендерлик состави жиҳатидан тенглаштирилган, яъни баланс қилинган бўлиши керак эди. Бу йўналишда бирор-бир қадам ташланмаётгани Amnesty international ни ташвишга солмоқда.

Amnesty international бунинг учун қандай ресурслар талаб қилинишини яхши тушунади, айниқса сўз минглаган ишларни текшириш учун малакали, тажрибали кадрларни излаб топиш устида борар экан, уларни топиш ва керакли миқдорда ажратиш қанчалик машаққатли эканлигини ҳисобга олади. Бироқ жиноий ишлардаги ва суд текширувларидаги кейинги уч йилда ўрин олган кўпол хатолар, ўпирилишлар, қонунбузарликлар ва этник устунликларни яширмаслик, шу билан бирга ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг вазиятни ўзгартиришни истамаётганлиги иложи борича тезроқ мустақил, холис тергов бригадалари тизимини ташкил этиш заруратини тугдирмоқда. Махсус бўлинмалар ташкил этиш ғоясини амалга ошириш келажақда одил суд тизимлари фойдаси ва ривожланишига хизмат қилиб, пухта ва холис тергов қандай бўлиши кераклигини бутун мамлакатдаги ҳуқуқ-тартибот ташкилотларига намуна қилиб кўрсатган бўлар эди.

Азимжон Асқаров иши

Ҳуқуқ ҳимоячиси Азимжон Асқаров – этник ўзбек бўлиб, Жанубий Қирғизистондаги ҳудудий ҳуқуқ ҳимояси тармоғига кирувчи “Воздух” (“Ҳаво”) номли ҳуқуқни ҳимоя қилувчи мустақил нодавлат ташкилот (НПО) директори. Азимжон Асқаровни 2010 йил 15 июнда Бозорқўрғонда ҳибсга олган бўлсалар-да, унинг ҳибсга олиниши фактини 16 июнда расмийлаштирдилар. 15 сентябрда Азимжон Асқаровни “қурол сақлаганлик”, “қасддан қотилликда иштирок этганлик”, “ҳуқуқни қўриқлаш органи ходимини ўлдиришда эштирок этганлик” айбловлари билан мол-мулкни мусодара қилиб, умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилдилар. Amnesty international унга қўйилган айбловлар сохта бўлиб, унинг қонуний ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятини тўхтатиш учун тўқилган, деб ўйлайди. Уни виждон қули деб эълон қилган Amnesty international уни тўхтовсиз ва сўзсиз озод этишга чақиради. Ҳозирги кунда у умрбод қамоқ жазосини Бишкек шаҳридаги № 47 колонияда ўтамоқда.

Азимжон Асқаровнинг ҳикоя қилишича, ҳибсга олингандан кейин уни уч кун давомида ғалаёнлар даврида қирғиз миллатига мансуб милиция ходимини ўлдирганлигига иқдор қилиш ва бошқа миллатдошларининг ҳам июнь ғалаёнларида иштирок этганлигига гувоҳлик беришга кўндириш учун шафқатсиз равишда калтаклаганлар. Унинг адвокати Нурбек Токтакунов 22 июндаги учрашув вақтида Азимжон Асқаров танасидаги қонталаш, мўматалоқ жойларни суратга туширишга эришган. Шунга қарамай, Бозорқўрғон райони прокурори ўринбосари учрашув чоғида ҳозир бўлган бўлса-да, унинг мустақил, холис тиббий экспертиза ўтказиш ҳақидаги сўровномасини рад этган. 2010 йил 26 июлда Жалолобод шаҳар суди Азимжон Асқаров ҳибсга олингандан сўнг унга шафқатсиз муомала қилингани ва қийноққа солингани фактлари бўйича Жалолобод прокуратурасининг жиноий иш қўзғашни рад этганлиги қарорини кучида қолдирди. “Врачлар инсон ҳуқуқи учун” (“Врачи за прав человека” – Physicians for Human Rights. PHR) халқаро ташкилот (НПО)нинг 2012 йил октябрида эълон қилинган докладыга мувофиқ маҳбуслик даврида Азимжон Асқаровнинг соғлиги, хусусан, кўриш қобиляти, нерв тизимлари ҳолати, нафас олиш йўллари сезиларли даражада ёмонлашган, шунга қарамай, у зарурий тиббий ёрдам олмаганки, бу ҳам шафқатсиз муносабатни англатади. 2012 йил январидеда уни текширган PHR мутахассислари Азимжон Асқаровда қийноқлар натижасида юзага келган мия-асаб жароҳатлари асорати излари мавжудлигини аниқлаганлар. 2012 йил ноябрда унинг адвокати БМТнинг инсон ҳуқуқлари Қўмитасига шикоят билан мурожаат қилди.

Азимжон Асқаров ўлдирганликда айбланган милиционернинг қариндош-уруғлари Азимжон Асқаровнинг қариндош-уруғлари ва адвокатини таъқиб этишган ва ҳужум уюштиришган; бир сафар бу ҳатто милициянинг вақтинчалик қамоқ биносида юз берган. 21 июлда бир тўп аёллар вақтинчалик қамоқ изолятори ҳудудида Азимжон Асқаровга озик-овқат беришга ҳаракат қилаётган сингисини тошбўрон қилганлар. 22 августда СИЗО ҳудудида унинг адвокатига ҳужум уюштирилди. Унинг сўзларига қараганда, бир неча эркалар ва аёллар уни ўраб олиб, агар ўзбекни ҳимоя қилишни тўхтатмасанг, аяб ўтирмаймиз деб дўқ уришган. 2010 йил 2 сентябрга белгиланган суд жараёнига бир кун қолганда суд мажлиси Бозорқўрғондан тахминан 20 километр масофада жойлашган қўшни Ноокен районининг Масси қишлоғига кўчирилиши ҳақида қарор эълон қилинди. Азимжон Асқаровнинг адвокати Нурбек Токтакуновнинг сўзларига кўра, Бозорқўрғондан Массигача бўлган бу масофа судланувчи ва унинг вакилларининг хафсизлигини таъминлаш учун етарли бўлмаган. Иккинчи сентябрдаги суд мажлиси ўрнининг кўчирилганлиги ҳақида хабарнинг кеч етказилганлиги, бундан ташқари, ўлдириш билан кўрқитиш туфайли адвокат Нурбек Токтакунов суд мажлисида қатнаша олмади.

Усмонжон Холмирзаев иши

Усмонжон Холмирзаев – миллати ўзбек ва Россия фуқароси. У 2011 йил 9 августда оламдан ўтди. Маълумотларга кўра, уни Бозорқўрғон қишлоғида фуқаро кйимидаги милиция ходимлари ўзбошимчалик билан ҳибсга олишиб, маҳаллий милиция бўлимига олиб келишган, ўлим икки кундан сўнг қийноқлар натижасида содир бўлган. Еттинчи август куни милиция бўлимидан қўйиб юборганларидан сўнг уйига келиб, у ерда унга противогаз кийдиришганини ва калтаклашганини хотинига айтган. Маълум бўлишича, у йиқилган пайтда милиционерлардан бири кўкрагига икки-уч бор тиззаси билан зарба берган ва у ҳушидан кетган. Эртасига уни касалхонага ётқизишади ва икки кундан сўнг у олинган жароҳатлар туфайли вафот этди. Хотинининг таъкидлашича, у милиция ходимлари жароҳат етказганлигини айтишга улгурган. Хотини ва адвокатининг ҳамда мурдани ёриб текширишда қатнашганларнинг сўзига қараганда, текшириш Усмонжон Холмирзаевнинг ички қон кетиш натижасида ўлганлигини кўрсатган. 10 августда Россия консулиги расмий сўровнома бергандан сўнг, Жалолобод прокурори тўрт милиция ходимига қарши қийноқларни қўшиб бир неча айбловлар бўйича жиноий иш қўзғади.

201 йил сентябрида милиция ходимларини суд қилиш жараёни бошланишидан олдин уларнинг қариндош-уруғлари ва дўстлари норозилик акцияси билан чиқишди, кейинроқ кучайиб, Жалолобод-Бишкек йўлини тўсишгача бордилар. Улар Усмонжон Холмирзаевнинг адвокати, гувоҳларга ва қариндош-уруғларига суд залида ва ундан ташқарида ҳам дўқ-пўписа қилишди, судьяга тазъийқ ўтказиб айбланувчиларни озод этишни талаб қилдилар. Хавфсиз бўлиши учун суд муҳокамасини Жалолободдан 500 километр олисдаги Чуй областига кўчиришди. Барибир асосий гувоҳларга пўписа

қилиш, уларни кўрқитиш давом этди ва натижада уларнинг баъзилари айбланувчилар фойдасига кўрсатмасини ўзгартирди. Баъзилари эса ўзи ва оиласи хавфсизлиги учун мамлакатни ташлаб кетишга қарор қилдилар. Жалолобод области прокурори Усмонжон Холмирзаевнинг беваси ва адвокатининг арзланишига қарамай, айбланувчиларнинг қариндош-уруғларига қарши жиноий иш қўзғамди. 2012 йил мартада Усмонжон Холмирзаевни қийнаб ўлдирган тўрт милиционерни судлаш жараёнини қайта Жалолободга олиб келишди. Жалолобод области суди раиси ишни қўшимча текширувга қайтариб, айбланувчи милиционерлардан иккитасини четга чиқиб кетмаслик шарти билан ҳибсдан бўшатиб юборди. 2012 йил 26 декабрда эса область суди айбланувчилардан учтасининг адвокатлари келмагани учун жиноий ишни кўриб чиқишни номаълум муддатга кўчирди.

Дилмурод Ҳайдаров иши

2010 йил 27 июнда милиция ходимлари ўзбек миллатига мансуб ва касби адвокат бўлган Дилмурод Ҳайдаровни Ўш шаҳрида ушлашди. Уни оммавий ғалаёнларни уюштириш ва унда иштирок этганликда, шу билан бирга 2010 йил июнь ғалаёнлари даврида Ўш областининг Наримон қишлоғида қирғиз миллатига мансуб солиқ инспекторини ва икки армия офицерини (улар ҳам қирғиз) ўлдирганликда айблашди. Дилмурод Ҳайдаровнинг тахмин қилинган жиноятининг текширилиши чала ва ноҳолис бўлиб чиқди, унда унинг жиноятга алоқадорлигини исботлайдиган аниқ далиллар етишмайди. Солиқ инспектори ўлдирилган вақтда унинг бошқа жойда эканлигини тасдиқлайдиган гувоҳлар бор; қотиллик шохидлари ўлдирилган армия офицерларидан бирини тергов чоғида таний олмадилар. Шундай бўлса-да, Дилмурод Ҳайдаров қамоқда ушлаб турилибди, агар у айбдор деб топилса, умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилиниши мумкин.

Хабарларга кўра, ушлаганларидан кейин милиционерлар Дилмурод Ҳайдаровни резинка таёқлар билан калтаклаганлар (жумладан бошига ва панжаларига); полиэтилен пакет билан димиқтирганлар, тирноқлари остига канцелярия скрепкаларини тикқанлар. Унинг ҳибсга олиниши расман қайд этилмаган. Аёвсиз қийноқ ва шафқатсизликларга қарамай Дилмурод Ҳайдаров “жинояти”га иқрор бўлишдан бош тортган. Аёвсиз қийноқлардан сўнг уни келтиришган ИВСда танасидаги қонталаш ўринлар, мўматалоқ жойлар тиббий кўрик пайтида қайд этилган, сўнг уни Ўш шаҳридаги № 5 СИЗО (вақтинча қамоқ маҳкамаси)га келтириб ташлашган.

Дилмурод Ҳайдаровнинг адвокати мунтазам тазъийқ ва таҳдидларга учрамоқда. Татьяна Томина – мустақил юрист, миллати рус; у доимо маҳаллий ўзбекларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади. 2011 йилнинг августи бошларида Ўш шаҳар суди биносидан чиқаётганда, унга тўрт қирғиз миллатига мансуб хотинлар ташланишган. Улардан бири уни сумкаси билан урган, қолганлари қичқириб ҳақорат қилганлар, қўллари билан урганлар, оёқлари билан тепганлар. Уларни кузатиб турган на суд ходимлари, на милиционерлар Татьяна Томинани ҳимоя қилишга интилмаганлар, унга ташланаётган аёлларни тўхтатмаганлар. Қўйиб юборишдан олдин аёллар адвокатга тош билан ўқталганлар ва бу охириги ҳужум эмас деб таҳдид қилганлар. Ўша куни кейинроқ ҳуқуқ ҳимоячилари ўша аёлларнинг Ўш СИЗОси олдида яна Татьяна Томинани қичқириб ҳақорат қилаётганларини кўрганлар. У ерга Томина яна бир 2010 йил июнь фожиаларига алоқаси бўлмаган айбдор ўзбекни ҳимоя қилгани борган эди. Келган милиция ходимлари аёлларни тўхтатишга мутлақо ҳаракат қилмаганлар. 2012 йил феввалида яна бир маҳаллий ўзбекни ҳимоя қилаётган Татьяна Томинани жабрланувчининг қариндош-уруғлари суд залига ёпирилиб кириб ҳақорат қилганлар, ҳужжатларини майдалаб ташлаганлар.

Тўлиқроқ маълумот олиш учун “Қирғизистон: бурчга хиёнат” материалига қаранг (индекс: EUR58/001/2012) <http://amnesty.org.ru/node/2247>